O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL
25 APREL
PAYSHANBA
№ 51 (26.910)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

«УМИД НИҲОЛЛАРИ» СПОРТ ЎЙИНЛАРИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Азиз ўғил-қизларим!

Аввало, барчангизни гўзал ва бетакрор диёримизнинг олтин водийси бўлмиш Фарғонада спорт ва ёшлик байрами — «Умид ниҳоллари» мусобақалари бошланиши муносабати билан чин қалбимдан самимий мубораксбод этаман.

Табиийки, дунёдаги ҳар қайси ота-она, ҳар бир миллат ва халқ ўз фарзандларини соғлом ва баркамол қиёфада кўришни орзу қилади. Сиз ёшларнинг тимсолингизда биз буюк келажагимиз бунёдкорларини, юксак мақсад-муддаоларимизни ўзида мужассам этган, халқимизнинг ҳақиқий умиди, таянчи бўлган соғлом ва баркамол авлодни кўрамиз ва фахрланамиз.

Бугун тантанали суратда бошланаётган «Умид ниҳоллари» ўйинлари — ёшларни спортга жалб этиш бўйича мамлакатимизда яратилган яхлит тизимнинг муҳим узвий босқичи сифатида — барча мактаб ўқувчиларини қамраб олаётгани, айниқса эътиборга сазовордир. Бу эса, жисмоний тарбия ва спортни жамиятимизда кучли оммавий ҳаракатга айлантиришдек эзгу мақсадни изчиллик билан амалга оширишда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Қадрли фарзандларим!

Сизларнинг чуқур, замонавий билимлар олиш ва маънавий юксалиш билан бир қаторда, спорт мусобақаларида қатнашишингиз, қизғин кураш ва беллашувларда жисмоний чиниқиб, иродангизни тоблаш, қийинчиликларни енгиш йўлидаги интилишларингиз келгуси ҳаётингизда янги-янги ютуқларга эришишда, ҳар томонлама етук инсонлар бўлиб вояга етишингизда мустаҳкам пойдевор бўлишига ишонаман.

Бу спорт ўйинлари йилдан-йилга сизларнинг қувватингизга-қувват, ғайратингизга-ғайрат қўшиб, биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишингиз учун пухта замин яратади. Ўғил-қизлари ана шундай фазилатларга эга бўлган мамлакатнинг эса истиқболи, албатта ёруғ бўлади.

Мана шу ҳаяжонли дақиқаларда сиз, озод юртимизнинг бахтиёр фарзандларини, бугунги шодиёна билан яна бир бор қутлар эканман, сизларнинг ёшлик шижоатингиз, салоҳият ва имкониятларингиз кўзгуси бўлмиш мусобақаларда барчангизга зафарлар тилайман.

Азиз фарзандларим, Ватан тинчлиги ва фаровонлиги, унинг буюк келажаги йўлида эл-юртнинг таянчи ва фидойиси бўлиб яшаш саодатини ҳар нарсадан баланд тутинг.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад тилайман, ғалаба доимо сизларга ҳамроҳ бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ

Маърифат халқни буюк келажакка олиб чиқадиган ягона йўлдир. Президентимиз таъкидлаганларидек, «юқори малакали, замонавий билимларга эга бўлган, ҳозирги кун талаблари асосида фикрлай оладиган етук кадрларни тайёрлаш — ҳам ижтимоий-сиёсий, ҳам иқтисодий муаммоларимизни ҳал этишнинг калити»дир.

Қўқон шаҳрида очилган маиший хизмат касб-ҳунар коллежи 750 ўқувчига мўлжалланган. Бу ерда етти соҳа бўйича ёшларга таълим берилади.

Қадим ва навқирон шаҳар жамолига зеб бўлган ушбу илм даргоҳи ўз бағрига касб-ҳунар сирларини ўрганишга қодир ёшларни чорламоқда.

Ватан келажаги мана шу ёшларимиз қўлидадир. Уларни ёруғ келажак, истиқбол, бунёдкорлик, эзгуликлар кутмоқда.

Суратларда: коллеж ёшлари

■ Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Ў. Т. КОМИЛОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ РАИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўткир Толипович Комилов Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг раиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 24 апрель

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Ў. Т. КОМИЛОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ РАИСИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўткир Толипович Комилов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг раиси вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 24 апрель

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Б. А. ХОДЖАЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ РАИСИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ботир Асадиллаевич Ходжаев бошқа ишга ўтиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 24 апрель

ИНВЕСТИЦИЯГА ИМКОНИЯТ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Давлат мулк қўмитаси ўтказган матбуот конференциясида хусусийлаштириш жараёнига хорижий сармоядорларни жалб қилишнинг янги шарт-шароитлари ҳақида гап борди.

— Корхоналарни якка тартибдаги лойиҳалар бўйича хусусийлаштириш бюроси ташкил этилган. Унда тендер асосида диагностика ва баҳолаш ишларини бажариш учун айни кезда 9 та молиявий маслаҳатчилар ҳам жалб этилган, — деди Давлат мулк қўмитаси раиси биринчи ўринбосари М. Асқаров. — Хусусийлаштиришнинг ҳозирги босқичи йирик корхоналарнинг мулк шаклини ўзгартиришга якка тартибда ёндашиш билан характерланади. Шунингдек, инвесторларни жалб қилиш, объектларни сотишда тўловлардан ташқари корхонани молиявий соғломлаштириш, модернизациялаш, қайта қуриш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни янгилашга йўналтирилган қўшимча инвестиция мажбуриятларини ҳам эътиборга олади.

Ўтган йили бу борада олиб борилган ишлар натижасида мулк шаклини 743 корхона ўзгартирди. Бу 2000 йилга қараганда икки баравар кўпдир. Шу жумладан, хорижий инвесторларга 33 корхонанинг акциялар пакети сотилган. Бугунги кунда мазкур корхоналар яхши натижаларга эришаётганлиги алоҳида таъкидланди.

■ **Маъмуржон ҚИЁМОВ**

ОЛИЙ МАЖЛИСДА

УРУҒЧИЛИК – ҚЎМИТА ЭЪТИБОРИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитасининг кеча бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишида Ўзбекистон Республикасининг «Уруғчилик тўғрисида»ги Қонуни Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси ҳамда «Ўздонмаҳсулот» давлат акциядорлик корпорациясида қандай ижро этилаётганлиги муҳокама қилинди.

— Уруғлик чигит ва бошоқли дон уруғликлари етиштирувчи элита хўжаликларини тендер асосида танлаб олиш ва уларга тегишли гувоҳномалар бериш кенг жорий этилди, — дейди қўмита раиси, Олий Мажлис депутати Искандар Қаландаров. — Натижада сўнгги уч йилда уруғликлар сифати ошди. Биринчи классли уруғлик чигит салмоғини 70 фоиздан 94 фоизга ўстиришга, чигитнинг умумий сарфини эса гектар бошига 123 килограммдан 71,5 килограммга камайтиришга эришилди. Жаҳон бозорида толасига талаб кучли бўлган ғўза навлари майдони 2,5 баравар кўпайди. «Ўздавуруғназоратмарказ» республикада экилаётган барча уруғлик турларини сертификаталштиришни ташкил этди.

Музокарага чиққан Олий Мажлис депутатлари, вазирлик, уюшма, корпорация ва тармоқ билан боғлиқ бошқа қўмиталар ҳамда илмий текшириш институтларининг мутахассислари эришилган ютуқлар билан бирга «Уруғчилик тўғрисида»ги Қонун талаблари ижросида йўл қўйилган камчиликлар ҳақида ҳам тўхталдилар.

Жумладан, айрим жойларда қонун ижроси юзасидан тегишли дастур ёки раҳбарий ҳужжатлар қабул қилинмаган. Вилоятларда уруғчилик билан шуғулланувчи баъзи корхона ва хўжаликлар қонун ва қонун ости ҳужжатларининг матнлари билан таъминланмаганлиги натижасида уруғчилик билан шуғулланаётган ходимлар қонун талаблари билан тўла таниш эмас. Етиштириладиган уруғлик турларини экспорт қилиш ишлари эътибордан четда қолмоқда. Уруғчиликка доир нуфузли халқаро ташкилотларга аъзо бўлиш ва соҳадаги халқаро стандарт, қўлланма, тартиб-қоидалар ҳамда илғор услублардан, тажрибалардан фойдаланиш ишлари суст кетаяпти. Экинларнинг уруғлари навдорлигини яхшилаш бўйича қилинаётган ишлар ҳам талаб даражасида эмас.

Йиғилиш камчиликларни тугатиш, мутасадди ташкилотлар ва уларнинг раҳбарлари ваколатларини кучайтириш ҳамда иш фаолиятларини фаоллаштириш юзасидан тегишли чора-тадбирлар кўриш лозимлиги хусусида қарор қабул қилди.

■ **Номоз САЪДУЛЛАЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ТРАСЕКА — КЎП ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИК РОБИТАСИ

Пойтахтимиздаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида ТРАСЕКА Ҳукуматлараро комиссиясининг иккинчи конференцияси очилди. Унда Европа Иттифоқи, Марказий Осиё, Кавказорти минтақасидан ўн бешга яқин мамлакатдан ҳамда қатор халқаро ташкилотлардан вакиллар иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг анжуман иштирокчиларига йўллаган табригини Бош вазир ўринбосари Рустам Юнусов ўқиб эшиттирди.

Президентимиз Ислом Каримов мустақилликнинг илк йиллариданоқ Ўзбекистоннинг жаҳон бозорига қисқа ва қулай йўллар орқали чиқиши масаласига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Ўта замонавий транспорт коммуникацияларининг барпо этилиши Марказий Осиё ва Кавказорти давлатларининг Европа ва Тинч океани соҳилларига тез ва қулай чиқишига имкон беради. Яъни, Хитойнинг Ляньюнган портидан Қашғар-Тошкент-Туркманбоши-Боку-Поти-Ботуми-Канстанца йўналиши бўйлаб Европанинг Роттердам кўрфазигача чўзилган қарийб ўн минг километрлик йўл минтақамиз мамлакатларининг жаҳон бозорига чиқишида ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Айни пайтда ТРАСЕКА лойиҳаси доирасидаги йўллардан элликка яқин давлат фойдаланмоқда. Ҳар томонлама қулай ва арзонлиги боис бу лойиҳага қўшилишни истаган давлатлар сони ҳам йилдан йилга кўпаймоқда. Бу эса лойиҳа доирасида янги-янги коммуникация тармоқлари очилишига олиб келмоқда.

ТРАСЕКА Ҳукуматлараро комиссиясининг конференцияси илк бор Марказий Осиё минтақасида ўтказилмоқда. Бунинг сабаби аён. Мазкур лойиҳада кўзда тутилган транспорт йўлларининг асосий қисми минтақамиз, жумладан, Ўзбекистон ҳудудидан ўтади. Ўзбекистон ТРАСЕКА лойиҳасида фаол иштирок этмоқда.

Уч кун давом этадиган анжуманда ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, мазкур лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш жараёнини жадаллаштиришга қаратилган масалалар муҳокама этилиши кутилмоқда. Жумладан, Афғонистонга инсонпарварлик ёрдами ва қурилиш материаллари етказиб бериш имкониятларини кенгайтириш, махсус ТРАСЕКА визасини жорий қилиш, яъни транзит юк ташиш билан боғлиқ ҳужжатлаштириш тартибини янада соддалаштириш, мазкур йўналишнинг рақобатбардошлигини ошириш, денгиз ва автомобиль йўлларини ривожлантириш каби қатор масалалар кўриб чиқилиши кўзда тутилган.

■ **Саидмурод РАҲИМОВ, ЎзА мухбири**

НИҲОЛЛАР АЗИМ ЧИНОРЛАРГА АЙЛАНАЖАК

ФАРҒОНА ШАҲРИДА УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ «УМИД НИҲОЛЛАРИ» РЕСПУБЛИКА СПОРТ ЎЙИНЛАРИ БОШЛАНДИ

Унда саралаш мусобақаларида ғолиб чиққан 1918 нафар ёш спортчи иштирок этмоқда. Мусобақалар Халқ таълими вазирлиги, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Миллий Олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Фарғона вилояти ҳокимлиги ва бошқа ташкилотлар томонидан ташкил этилди.

Мустақиллигининг ўн бир йиллигини нишонлашга тараддуд кўраётган Ватанимизни ёшлар мамлакати, дейиш мумкин. Чунки ёшлар республикамиз аҳолисининг ярмидан кўпини ташкил қилади. Шу сабабли давлатимиз раҳбарияти ёшларни маънавий ва жисмонан етук инсонлар сифатида вояга етказиш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда. Зеро, бу авлод мамлакатимизда янги, ҳуқуқий демократик жамиятни, иқтисодиёти юксак даражада ривожланган буюк давлатни барпо этиш ишига муносиб ҳисса қўшади.

(Давоми 4-бетда)

ДИҚҚАТ: ЯНГИ РУКН!

«СИРТҚИ ҚАБУЛ СОАТЛАРИ»



Мамлакатимизнинг турли жойларидан таҳририятга келаётган хат-хабарлар орасида фуқароларнинг ариза ва шикоятлари ҳам оз эмас. Биз уларнинг айримларини баҳоли қудрат ўрганиб, газетамизда ёритишга ҳаракат қилаяпмиз. Қолган аризаларни эса кўриб чиқиш учун вазирлик, ҳокимлик ва бошқа тегишли идоралар ҳамда ташкилотларга юбораяпмиз.

Пойтахтимиздаги турли идораларга ҳам аризалар келаётгани табиий, қабулхоналарда эса ҳар куни навбат кутиб турган кишиларни кўрамиз. Улар, у ёки бу раҳбар қабулига кириш, дардини, саволини, таклифини айтиш учун узоқ-яқиндан йўл босиб келишган. Лекин пойтахтга келиш ҳаммага ҳам осон эмас, албатта. Чунки, бу масала, энг аввало, вақт ва маблағга бориб тақалади.

Юртдошларимизни ана шу ташвишлардан халос этиш, мушкулини енгиллаштириш мақсадида вазирликлар, қўмиталар ва республика миқёсидаги бошқа идоралар раҳбарлари билан **«Сиртқи қабул соатлари»** ўтказишга қарор қилдик.

Дастлабки учрашувни Адлия вазирлиги раҳбарияти билан ўтказишни режалаштирдик. Вазирлик раҳбарияти фуқароларимизнинг саволларига жавоб беришга тайёр эканликларини билдирди.

Шундай қилиб, азиз газетхон, сиз ўзингизни ташвишга солаётган муаммолар хусусида Адлия вазирлиги раҳбариятига савол бериш, таклиф ва мулоҳазаларингизни айтиш имкониятига эгасиз. Кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, нотариат идоралари, фуқаролик ҳолатини қайд этиш бюролари, адвокатура... қўйингки, Адлия вазирлигига дахлдор барча савол ва таклифларингизни йўллашингиз мумкин.

Саволлар, таклиф ва мулоҳазалар ёзма равишда 15 майгача таҳририятга йўлланиши ёки 133-12-56, 133-44-55 рақамли телефонлар орқали аниқ ва лўнда ҳолда баён этилиши лозим.

Сизларнинг савол ва таклифларингиз вазирлик раҳбариятига тақдим этилади ва ўрганиб чиқилгач, жавоблар газетамизда эълон қилинади.

Азиз муштарийлар!
«Сиртқи қабул соатлари» сизни кутади.

ЕЧИМИНИ КУТАЁТГАН МУАММО

ДОРИ-ДАРМОНДАГИ ДАРДЛИ, ТАШВИШЛИ ҲОЛАТЛАР

Мамлакатимизда инсон саломатлиги, соғлом авлод тарбияси учун амалга оширилаётган ишлар кўлами йил сайин ошиб бормоқда. Тиббиёт соҳасидаги ислоҳотлар натижаларини ҳар қадамда кўриб турибмиз. Янгидан-янги саломатлик марказлари, шифохоналар, сихатгоҳлар бунёд этилмоқда, улар замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланмоқда.

Шунингдек, дори-дармон таъминоти бўйича ҳам туб ўзгаришлар бўлмоқда. Хусусан, дорихоналар очишга кенг имкониятлар яратилди. Одамларга холис хизмат кўрсатиш, дардига дармон бўлиш ниятидаги тадбиркорлар сафи кенгаймоқда. Афсуски, шу аснода дори-дармон билан савдо-сотиқ қилаётган сохта тадбиркорлар ҳам кўплаб учрамоқда. Уларнинг нопок хатти-ҳаракатлари сабабли юртимизга ароқсиз, сохта дори-дармонлар кириб келмоқда.

Газетамизнинг шу йил 2 март сонида ноқонуний йўллар билан олиб келинган, муддати ўтган ароқсиз дори-дармонлардан 17 тоннаси аниқланиб, ёқиб ташлангани, ўз нафсини инсон саломатлигидан юқори қўяётган айрим ноинсофлар ҳақида ҳикоя қилган эдик. Шундан сўнг бу масала бўйича таҳририятимизга кўплаб хатлар келди, қўнғироқлар бўлди, танқид ва истаклар билдирилди.

Фуқароларимиз мурожаатларидан шу нарса маълум бўлдики, ароқсиз, қалбаки дори-дармонларни сотиш ҳолларини барча вилоятларда учратиш мумкин. Ҳатто бозор-ўчарларда, кўча-кўйларда сохта тадбиркорлар дорифурушлик билан шуғулланаётгани ҳақида ҳам мисоллар айтилди.

Газетамизнинг вилоятлардаги мухбирлари дори-дармон уюшмаси, солиқ инспекцияси ва бошқа тегишли ташкилотлар мутахассислари билан ҳамкорликда жойлардаги аҳволни имкон қадар ўрганиб чиқишди.

«...ҚАНАҚА ДОРИ КЕРАК?»

Хоразм вилоятидан мухбиримиз Рўзимбой ҲАСАН хабар беради:

«...Хазорасп туманидаги машҳур «Кийим-кечак бозори»да яратилган шароитдан тижоратчилар, тадбиркорлар, ҳунармандлар мамнун. Аммо, бу ерда ҳақиқий тадбиркорлар билан биргаликда ноқонуний савдо-сотиқни «гулладаётганлар» ҳам анчагина. Улар орасида турли тиббий дори-дармонларни ғайриқонуний йўллар билан келтириб сотаётган «шоввоз»ларни кўплаб учратиш мумкин.

— Ноқонуний савдо-сотиққа барҳам бериш мақсадида бозорда етти кишидан иборат гуруҳ тузилган, — дейди туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Равшанбек Нафуллаев. — Гуруҳ 2000 йилда дорифурушлар билан «кураш»да улардан 653 минг сўмлик ҳужжатсиз дори-дармонларни ашёвий далил сифатида олиб қўйди. Бултур эса бу кўрсаткич деярли икки ҳисса ошди. Жорий йилнинг биринчи чорагида уч юз минг сўм миқдорда қалбаки дори-дармонлар мусодара қилинди.

Хива туманидаги «Чанашиқ» ширкат хўжалигининг 4-бригадасида яшовчи Дармон Отаниёзов, Хазорасп туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалигининг 6-бригадасидан Оқилжон Жуманазарова, шу тумандаги «Хазорасп» ширкат хўжалигининг 2-бригадасида истиқомат қилувчи Зуҳра Худойберганова каби «ишбилармон»лардан 10-15 турдаги дори-дармонлар ноқонуний сотилаётган пайтда олиб қўйилиб, уларнинг фаолиятига баҳо бериш учун «иш»лари судга юборилди.

«Урганч темир йўл бекати» божхона пости ходимлари туркманистонлик Хуморгул Худойбергеновадан 600 таблетка «Relanium (Diazepam)» дори воситасини, ҳазорасплик Ҳавво Самандаровадан эса 205 ампула ва минг таблетка худди шундай дорини Туркманистон Республикасига олиб ўтишга уринганларида тўхтатиб қолишди. Зеро, улар айнан шу оғули «дори»ларни Ҳазорасп бозоридан харид қилишган.

(Давоми 2-бетда)

ЕЧИМИНИ КУТАЁТГАН МУАММО

ДОРИ-ДАРМОНДАГИ ДАРДЛИ, ТАШВИШЛИ ҲОЛАТЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикасининг «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги қонуни, шунингдек, БМТ томонидан қабул қилинган халқаро меъёрларга биноан бу турдаги дори воситаларини мамлакатга олиб кириш, олиб чиқиб кетиш ва ҳатто мамлакат ичидаги ҳаракати ҳам алоҳида назоратни талаб қилади.

...Бозорни айланиб юриб, қизиқ бир воқеанинг гувоҳи бўлдик. Бирдан олағовур кўтарилди. Солиқ инспекцияси ходимларини бир гуруҳ хотин-қизлар ўраб олиб, (дорифурушлар асосан хотин-қизлар) шовқин кўтаришарди. Улар боягина қўлларида ушлаб турган дори-дармон тўла сумкаларини бир чеккага улоқтириб, «бу сумканинг менга алоқаси йўқ» дея айюҳаннос соларди. Айримлари эса «маҳсулоти»ни қўйлаклари ичига бекитиб, «қани тегиб кўр-чи», дея пўписа қилишарди.

«Томоша»ни кўриб туриб, хаёлга бир фикр келди: наҳотки улар сотаётган дорилар яроқсиз эканлиги, бу хатти-ҳаракатлари қонунга зидлигини билишмаса. Билишади, аммо уларда инсоф-диёнатдан кўра нафс балоси кучлироқ.

Бу «дори»лардан одамлар заҳарланиши мумкинлигини ўйлашмайдими? Бу уларни қизиқтирмайди. Чунки уларнинг фикри хаёли пулда!

Фарғонадаги мухбиримиз Алишер ИБОДИНОВ Қўқондаги аҳволни ўрганиб чиқди.

«...Шаҳардаги «жаҳон бозори»га кираверишингизда каттакичик сумка-халта кўтарганларга дуч келасиз. Яқинлашсангиз, секингина «Қанақа дори керак?» дейишади. Хоҳлаган дорингизни сўранг, топилади. Шифокор касалга қайси дори керакликлигини айтса бас, у шу ерга чопади. Бироқ... дорифурушлар сумкасидаги дориларнинг муддати ўтганми, йўқми, ҳақиқийми, сохтами билиб бўлмайди. Кейинги пайтларда чет эл фирмалари ёрлиғи билан ноқонуний сотилаётган дориларнинг айримлари қалбаки эканлиги маълум бўлиб қоляпти.

Шаҳарнинг Навоий мавзесида ҳам «дори бозори» бор. Ҳуқуқ-тартибот идоралари, солиқ инспекцияси ходимлари бозорда қўқонлик Соли Исмоиловни тўхтатишди.

— Кечирасиз, сумкангизда нима бор?

— Дори.

Давлат солиқ инспекцияси ходимлари текшириб кўришганда 34 турдаги дори-дармон борлиги аён бўлди.

— Қаердан олдингиз?

— Шу бозордаги бир аёлдан.

— Кимлигини биласизми?

— Йўқ...

Номаълум аёлдан «сотиб олинган» дорилар ичида 500 та «Деазепам», тўққиз ампула «Натрий оксибутират» чиқди. Холбуки, улар алоҳида назорат талаб қилувчи дорилар воситалари саналади.

— Буларни сотиш тақиқланганлигини биласизми?

— Йўқ!

Қўқон шаҳар давлат солиқ инспекцияси ходимлари тегишли идоралар вакиллари билан ҳамкорликда шу йил февраль ойида тезкор маълумотлар бўйича текширув ўтказишганда, шаҳарда яшовчи фуқаро Р.Н.нинг хонадонидан сотиш учун тайёрланган 33 турдаги (етти миллион икки юз саксон олти минг икки юз саксон сўмлик) тиббий дори-дармонлар борлиги аниқланди.

Ҳуллас, ноқонуний дори-дармон савдоси кўламининг ошиб бораётганлиги Фарғонада жиддий ташвиш туғдирмоқда... Яқинда Катта Фарғона каналининг Андархон қишлоғи ҳудудидан ўтган қисми соҳилида 222 минг сўмлик кимга тегишли эканлиги номаълум 4 хил турдаги дори-дармонлар топилди. Фарғона вилояти давлат солиқ бошқармасидан олинган маълумотларга кўра, шу йилнинг уч ойи давомида ўтказилган текширувлар натижасида 13 миллион 278 минг 700 сўмлик ноқонуний дори-дармонлар мусодара қилинди.

БИЗНИНГ ИЗОҲ:

Республикамизга рухсатсиз дори-дармонлар, асосан темир йўл ва ҳаво йўллари орқали олиб кирилмоқда. Тошкент вилоятининг «Келес» станциясидан унча узоқ бўлмаган жойда «дорифуруш тадбиркор»лар Россия томонлардан келаётган поездларни муштоқлик билан кутишади. Боиси, бу ерда улар ўз «ўлжаларини» пойлашади...

Биргина ўтган йилнинг ўзида бу ерда 10 миллион сўмлик истеъмолга яроқсиз дорилар Тошкент шаҳар Божхона бошқармасининг Марказий божхона мажмуаси ходимлари томонидан ушлаб қолинди. Жорий йилда яна 10 миллион сўмликдан ортиқроқ дори воситаларининг мамлакатимиз ҳудудига кириб келишининг олди олинди.

МУАММОЛАР, МУЛОҲАЗАЛАР...

Республика Божхона қўмитасининг Марказий божхона лабораторияси бошлиғи Муҳаммаджон РАҲИМЖОНОВнинг фикрини эшитинг:

— Республикамизга кириб келаётган дори воситаларини божхона расмийлаштирувидан олдин, яъни шу мамлакатнинг товари бўлгунга қадар сифати деярли назорат қилинмаяпти, — дейди у. — Сабаби, дори воситалари мажбурий сертификатланиши керак бўлган товарлар рўйхатидан ҳануз ўрнини топмаган. Чунки, дори воситалари бу рўйхатга киритилмаган. Шу боис, мамлакат ҳудудига ноқонуний олиб кирилаётган дори воситаларининг божхона расмийлаштирувига мувофиқлик сертификатини талаб қилишга ҳозирча бизга ҳуқуқ берилмаган. Ваҳоланки, мувофиқлик сертификатини олиш жараёни — товарларни тўла экспертизадан ўтказгандан сўнггина берилиши зарур, деб ўйлайман.

Хорижий давлатларда ҳам бу сингари товарлар энг аввало, сертификатланади, сўнгра сифат хавфсизлиги текширилади ва шундан кейингина мамлакат ҳудудига киритилади.

— Сифатсиз ва қалбакилаштирилган дори воситалари деганда қандай дорилар тушунилади ва уларнинг инсон саломатлигига зарари нималардан иборат?

Ҳабибулла ЖАЛИЛОВ, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш» Бош бошқармаси бошлиғи муовини, фармацевтика фанлари доктори:

— Ҳар қандай ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар каби фармацевтика ва тиббиёт маҳсулотлари ҳам тегишли стандарт талабларига жавоб бериши лозим. Бу маҳсулотлар ўз кўрсаткичларига кўра маълум бир касаллик билан хасталанган бемор организмига юборилишидан олдин, давлат стандартлари талабларига жавоб бериши керак. Меъёрий ҳужжатларда акс эттирилган сифат кўрсаткичларига мос келмайдиган (ҳатто ёрлиқларида йўл қўйилган камчиликлар бўлса ҳам!) бундай дори воситалари сифатсиз деб баҳоланади ва уларни амалиётда қўллашга рухсат этилмайди.

Қалбакилаштирилган дори воситаларига халқаро миқёсда 1985 йилда биринчи марта эътибор берилган бўлса, бугунги кунга келиб, у жаҳон фармацевтика бозорида жиддий муаммолар келтириб чиқараётган масалалардан деб қаралмоқда. Юқорида келтирилган таърифлардан кўриниб турибдики, қалбакилаштирилган дори воситаларини ишлаб чиқарувчилар ўзларининг ноқонуний хатти-ҳаракатларини олдиндан била туриб, катта моддий фойда олиш мақсадида сифатсиз дори тайёрлайдилар ва жавобгарликдан қочиб, ўз номларини яширишга ҳаракат қиладилар.

— Муддати ўтиб кетган дориларни қабул қилиш қандай оқибатларга олиб келиши мумкин?

— Бундай дори воситалари қатор нохуш ҳолларга олиб боради. Дори деб қабул қилинган восита таркибида таъсир этувчи моддаларнинг умуман йўқлиги ёки етарли миқдорда бўлмаслиги; бемор организмига зарарли ва унга керак бўлмаган биологик фаол моддалар киритилиши, яъни ёрлиқда кўрсатилган дори моддасининг ўрнига бошқа таъсир этувчи модда бўлиши; ҳақиқий дори воситаси уни ишлаб чиқарувчи фирмага нисбатан истеъмолчида ишончсизлик уйғотиши ва ниҳоят давлат ташкилотларига етказилган иқтисодий зарарлар бунга мисол бўла олади. Бундан ташқари, масалага янада чуқурроқ тўхталадиган бўлсак, зарур дори воситаси бемор организмига вақтида етиб бормаслиги — бемор аҳволини оғирлаштириши, касаллик муддатининг узайишига сабаб бўлиши ва ҳатто айрим ҳолларда ўлимга олиб бориши мумкин.

Биргина мисол: хусусий тадбиркор Ш.Қаюмов томонидан келтирилган 400 флакон Россия Федерациясининг «ОАЖ Красфарма» маҳсулоти деб ёрлиқланган қалбаки «Ампициллин натрий дориси экспертиза ва стандартлаш давлат маркази томонидан таҳлил қилинганда, тасдиқланган талабларнинг 3 сифат кўрсаткичи бўйича жавоб бермаслиги, жумладан, унда таъсир этувчи модда миқдори атиги 17,023 фоизни ташкил этиши аниқланди. Бундай дорини ишлатгандан ишлатмаган яхшироқ эканлиги мутахассис бўлмаган одам учун ҳам тушунарли.

Ушбу ҳолат юзасидан хусусий тадбиркор Ш.Қаюмовга берилган 003262-сонли лицензия бекор қилиниб, унинг «фаолияти»га баҳо бериш ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига топширилди.

Республикамизда фармацевтика ва тиббиёт маҳсулотлари муомаласини меъёрлашнинг ҳуқуқий асослари «Дори воситалари ва фармацевтика тўғрисида»ги, «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги, «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги, «Стандартлаш тўғрисида»ги, «Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаш тўғрисида»ги қонунлар ва қатор қонуности ҳужжатларда ўз ифодасини топган.

Пул деса ўзини томдан ташлайдиган, бойликка ҳирс қўйган «дорифуруш қаллоблар», инсон саломатлиги ва унинг тақдири билан ўйнашаётганлар орасида айниқса, хотин-қизларимизнинг кўплиги ғоят ачинарлидир.

Бухоро вилоятидаги мухбиримиз Даврон БАҲРОНОВ дорифуруш «тадбиркор»лар ҳақида қизиқ мисоллар келтиради:

...« Шу йилнинг 12 март куни Навоий — Бухоро йўналишида келаётган давлат белгиси 23 С 7300 рақамли автобус Ғиждувон туман прокуратураси ҳузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши курашиш бўлими ходимларининг диққатини тортди. Йўловчилар ва уларнинг юклари кўздан кечирилганида ўрта ўриндиқда ўтирган жувон безовталангандек туюлди. Унинг юк халтасида 321 минг 432 сўмлик 31 турдаги дори-дармонлар бор эди. Жувон Гуландом Бобохонова бўлиб, у Хоразм вилояти Боғот туманидаги Искандар Дўстов номли жамоа хўжалигининг 4-бригадасида яшаркан.

— Бу дориларни Навоий шаҳридаги бозордан сотиб олдим. Унинг яроқсизлигини қайдан билай? — дейди у.

Олиб келинаётган дори-дармонлар «Бухоро Дори-дармон» давлат акциядорлик бирлашмаси назорат-таҳлил лабораториясида текширилди. Мазкур дориларнинг 6 тури давлат реестрига киритилган, холос. Қолганлари эса мутлақо талабга жавоб бермайди. Энди ўйлаб кўринг: бу дори-дармонлар манзилига етса, қанчадан-қанча одамлар азият чекарди?

«Тадбиркор» аёлдан яна бири қўқонлик «сайёҳ» Соҳиба Тўрақуловадир. У шу йил, 7 февраль куни Ҳазорасп — Тошкент йўналиши бўйича келаётган «Мерседес—Бенц» русумли, 20 А 4623 давлат рақамли автобусда 120 минг сўмлик дори-дармон олиб келаётганди. Қўлида на мутахассислиги, на дориларнинг яроқлилиги тўғрисидаги ҳужжати бўлган бу аёлга нима дейиш мумкин? Тўғри, унга тегишли дорилар мусодара қилинди. Ромитан туман суди қарори билан жарима солинди.

БИЗНИНГ ИЗОҲ:

Ўзбекистон Республикасининг «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг 13-моддасига биноан дори-дармонлар фақат дорихоналар орқали ҳамда етарли фармацевтик маълумотга эга шахслар томонидангина сотилиши керак.

Дарҳақиқат, дори воситалари муомаласининг белгиланган талаблар даражасида бўлиши Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги сифат назорати комиссиялари, шунингдек, бунга алоқадор идоралар фаолиятида кўринади. 2001 йил ва шу йилнинг ўтган даврида олиб борилган текширувлар натижасида қатор дорихоналарда сифатини кафолатловчи ҳужжатларсиз дориларнинг сотувга қўйилиши ҳоллари кузатилган. Масалан, «Дори-дармон» давлат акциядорлик уюшмаси тизимидаги 14 та назорат-таҳлил лабораторияларида, шунингдек, «Қорақалпоқ Дори-дармек» акциядорлик жамияти ва «Темирйўл фармация» давлат акциядорлик бирлашмасининг ваколатланган назорат-таҳлил лабораторияларининг ўтган 2001 йил мобайнида йўллаган текшириш натижаларига кўра, жами 214 номдаги (322 серия) яроқсиз дори воситаларидан 48 номдагиси (64 серия) сифатсиз топилиб, 18 номдагиси (41 серия) Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан қайд этилмаган. 148 номдагиси эса (217 серия) қалбакилаштирилган препаратлар эканлиги аниқланган. Яроқсиз бу дори маҳсулотлари тегишли муассасалар мутахассислари иштирокида йўқ қилинган. Ўзбекистон Республикасининг «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги қонунига кўра, дори-дармон савдоси билан шуғулланган 84 та ҳуқуқий шахс лицензияларининг амал қилиш муддати тугатилди, 32 ҳуқуқий шахснинг лицензиялари умуман бекор қилинди, 22 нафариники 3 ой муддатга, 10 нафариники бир ой муддатга тўхтатилди.

ҲУЖЖАТДА АЛИ, АМАЛДА ВАЛИ

Жиззахдан мухбиримиз Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ ёзади:

Шаҳарнинг «Кўк бозори» — бозормисан бозор. Бу ерда йўқ нарсанинг ўзи йўқ...

Расталар оралаб, четроққа ўтсангиз «Дори керакмасми, дори», «Кеп қолинг, арзон дори» деган чорловлар қулоққа чалинади.

— Арзони қанчадан?

— Қандай дори керак, ўзи сизга? — саволингизга савол билан жавоб қилади улар. Сўнгра сумкасидан «матох»ларини олиб, шундоқ ерга ёйиб қўя бошлашади. Ёнгинангизга бошқаси яқинлашади. Унинг қўлида ҳам ҳийла семиз сумка.

— Сизга керак дори буларда топилмаса, бизда бор, — гапга қўшилади у.

Беихтиёр ўйлаб қоласиз. Дори-дармон сотиб юрган бу аёллар уларни қаердан олишаркан? Ҳеч қандай рухсатномасиз, амалдаги қонунларга хилоф равишда дори савдоси билан шуғулланаётганларнинг мушугини нега ҳеч ким «пишт» демаяпти?

— Ўтган йили бозор ҳудудида 75 нафар фуқаронинг ноқонуний равишда дори-дармон сотаётганлиги аниқланди, — дейди Жиззах шаҳар давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Фахриддин Йўлдошев. — Улардан 74 турда 1744 дона дори-дармон далилий ашё сифатида тортиб олинди. Жорий йил бошидан бери ҳам беш нафар фуқаро инспекциямиз ходимлари томонидан тартибга чақирилди ва уларнинг 27 турдаги 94 дона дори воситалари мусодара қилинди.

Кўпчилигимиз дори-дармон харид қилар эканмиз, бу оддий тартиб-қоидаларни ё яхши билмаймиз ёки билсак ҳам кўпда амал қилмаймиз. Иссиқ жонмиз... Ўзимиз ёки яқинларимиздан кимдир дардга чалиниб қолса, малҳам излаб дорихонага эмас, аксарият ҳолларда бозор-ўчарга чопамиз. Суриштирмасдан, қўлдан харид қиламиз. Ҳатто, арзонга олдим, деб хурсанд ҳам бўламиз. Афсуски, ўйламай ташланган бу қадамимиз кейин қимматга тушишини хаёлимизга ҳам келтирмаймиз.

Самарқанддан мухбиримиз Лутфулла МАМАСОЛИЕВ ёзади:

«Вилоятда 350 дан зиёдроқ хусусий дорихона мавжуд. Ўтган йили вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ва «Самарқанд Дори-дармон» давлат акциядорлик бирлашмаси ҳамкорлигида 104 та дорихона текширишдан ўтказилди ва кўплаб ноқонуний хатти-ҳаракатларга дуч келинди. Масалан: бешта дорихонада 18 турдаги сифати кафолатланмаган, 2 та дорихонада 7 турдаги фойдаланиш муддати ўтиб кетган дорилар сотилаётганлиги маълум бўлди. Энг ачинарлиси, 3 та дорихонада олий фармацевт дипломига эга бўлган кишилар бошлиқ сифатида рўйхатдан ўтиб, амалда бутунлай бошқа касбдаги мутахассислар раҳбарлик қилмоқда. Буни қандай тушуниш керак?

Каттақўрғон шаҳар «Деҳқон бозори» ёнида 17 та хусусий дорихона фаолият кўрсатяпти. Бу жой ҳам ўзига хос дори бозори. Вилоятга дори воситалари шу ердан тарқатилади. Биз «Самарқанд Дори-дармон» давлат акциядорлик бирлашмаси назоратчиси Тўлқин Валиев билан бу ердаги «Дентосервис» хусусий дорихонаси сотувчиси Дилбар Муродовадан бизни шубҳага солган дорилар сертификатларини сўраганимизда у «Ҳужжатлар бошликда, у киши бугун бўлмайди», — деган баҳонани рўкач қилди. Бошқа сотувчилар эса саноқли дақиқаларда дорихона эшикларига қулф осишди. Сабаби, дорихона эгалари «текширувчи келди» дея, жўфтакни ростлаб қолишди.

Қизиқ, улар нега бундай қилишди, аниқроғи нега чўчишди? «Шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламайди», деганларидек, бу дорихоналарда ҳам гап кўпга ўхшайди.

Ургутдаги «Мойчечак» хусусий дорихонаси республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг рухсатномасисиз фаолият кўрсатаётганлиги аниқланди. «Пастдарғом деҳқон бозори»да ҳеч қандай ҳужжатсиз дори сотиб юрганларни учратдик. Қизиғи шундаки, бу ерда назоратчи, тартиб сақловчи ходимлар ва чиптачилар ҳозир бўлса-да, улар бу ҳолни атай кўриб-кўрмасликка олмоқдалар

Хўш, бу борада Сурхондарёда аҳвол қандай?

— Ҳар қалай мақтанадигани даражада эмас, — дея жавоб қилди **мухбиримиз Абдурасул ЖУМАҚУЛ.** *— Дори-дармон билан савдо қилувчи катта-кичик дорихоналар сони йилдан-йил ошиб бораяпти-ю, уларнинг барчасида ҳам ишлар талаб даражасида эмас.*

Масалан, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳузурида ташкил этилган дори воситалари сифатини назорат қилувчи ҳайъат томонидан 2001 йил охирида ўтказилган текширишлар натижасида 9 та хусусий дорихонанинг (дори воситалари билан савдо қилиш ҳуқуқини берувчи) рухсатномаси республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги лицензияларни кўриб чиқиш ҳайъати томонидан бекор қилинди. Улардаги 180 дан ошиқ турдаги 200 минг сўмлик яширин цехларда ишлаб чиқарилган, инсон саломатлиги ва унинг тақдирига хавф туғдирувчи «дори»лар қонун талабларига кўра йўқ қилиб ташланди.

Яқинда вилоятнинг Термиз шаҳри, Ангор, Музрабод ва Қумқўрғон туманларида жойлашган айрим дорихоналар фаолияти билан танишганимизда, бу соҳага мутасадди ташкилот вакиллари анчадан буён эътибор бермай қўйишганига амин бўлдик. Бундай дейишимизга сабаб, туманлардаги дорихоналарнинг айримларида оддий музлатгичлар ҳам мавжуд эмаслиги, санитария даражасининг ғоят ачинарли эканлигидир.

Яқинда Термиз шаҳридаги «Барчиной» бозори ичидаги расталар ёнида фуқаро Сайёра Жалилова ҳеч қандай рухсатномаси бўлмаса-да, дори-дармон билан савдо қилаётганлиги аниқланиб, Термиз шаҳар давлат солиқ инспекцияси томонидан маъмурий жаримага тортилди. Унинг қўлидан 100 минг сўмга яқин яроқсиз турли хил дорилар олиб қўйилишига тўғри келди.

Ачинарлиси шундаки, ҳозир вилоятнинг исталган шаҳри ёки туманидаги деҳқон бозорларида бемалол (турли кийим-кечаклар қатори) дори-дармон сотиб ўтирган кишиларга кўзингиз тушади. Не ажабки, улар ким ўзи, қандай мутахассис, дори сотиш учун ҳуқуқи бор-йўқлиги хусусида кўпинча ҳеч ким ўйлаб кўрмайди. Қолаверса, бу борада фақат жарималар қўллашнинг ўзи ёки ҳар замонда назорат ташкилотларининг текширув ўтказишлари кифоя қилмайди, назаримизда. Чунки биргина ўтган йил давомида Термиз шаҳридаги «Гулнора», «Чарх», «Ар-Розий», «Экомед-сервис», «Ал-Ризо», «Даво», «Насимий», «Ишонч», «Ал-Беруний», «Наташа», «Ботош» сингари хусусий дорихоналарда ҳуқуқий ташкилотлар томонидан ўтказилган текширишларда шу нарса маълум бўлдики, сотилиши тақиқланган бир миллион сўмдан ошиқ дори-дармонлар пештахталардан жой олган. Бу дориларнинг на серияси, на нархи маълум.

ЧОРА-ТАДБИР КЎРИЛАЯПТИ, НАТИЖА СЕЗИЛМАЯПТИ. НИМА ҚИЛМОҚ КЕРАК?

— Дарҳақиқат, дори-дармон билан савдо қилиш маданиятини қачон ўрганамиз? Сотилаётган дори воситалари «ғишт» ёки «оҳак» эмаски, уни тўғри келган одам сотиш билан шуғулланса?! — дейди **республика «Дори-дармон» давлат акциядорлик уюшмаси раиси Умида СОЛИҲБОЕВА.** *— Инсон саломатлиги ва унинг тақдирига бевосита дахлдор бўлган бундай маҳсулотларни сотишдек ўта нозик вазифа бўлмаса керак. Фармацевтика бўйича тегишли маълумоти бўлмаган, махсус тайёргарликни ўтамаган ва ҳатто йўл қўйилаётган хатолар жиддий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ҳис қилмаган жисмоний шахсларнинг дори-дармон сотиш билан шуғулланишига ҳеч қандай ҳаққи йўқ.*

— Дори воситаларининг сифат назоратини яхшилаш ва яроқсиз дорилар муомалага киришининг олдини олиш мақсадида шу кунларда қандай тадбирлар амалга оширилиши кўзда тутилган?

— Бугунги кунда дори воситалари назоратини яхшилаш ва қалбакилаштирилган дори воситалари муомалага киришининг олдини олиш борасида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш» Бош бошқармаси, шунингдек, республикамиздаги бунга алоқадор бўлган бошқа мутасадди ташкилотлар томонидан қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, дори воситалари муомаласини меъёрлаштирувчи ва қонуности ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш; дори воситалари муомаласини бошқарувчи мутасадди ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш; коррупцияга қарши курашувчи ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш; дори-дармон муомаласи бўйича электрон-алоқа тизимини ташкил этиш ва бу тизим орқали Ҳамдўстлик давлатлари, қолаверса, халқаро ташкилотлар билан доимий мулоқотда бўлиш шулар сирасига киради.

Айни пайтда айрим турдаги дори воситаларини сертификатцияланиши шарт бўлган маҳсулотлар рўйхатига киритиш бўйича қарор лойиҳаси тайёрланиб, кўриб чиқиш учун тегишли ташкилотларга тақдим этилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2002 йил январь ойидаги қўшма ҳайъати қарорига биноан республиканинг алоҳида ҳудудларида вазирликнинг дори воситалари экспертизаси ва стандартлаш давлат маркази шаҳобчалари ташкил этишга қарор қилинди. Бугунги кунда Андижонда ва Хоразм вилоятининг Урганч шаҳрида ҳудудий шаҳобчаларни ишга тушириш ишлари поёнига етказилмоқда.

— Сифатсиз ва қалбакилаштирилган дори воситаларини сотиб олишдан сақланиш борасида аҳолига қандай тавсиялар берган бўлар эдингиз?

— Саломатлик — бу инсонга берилган олий неъматлардан бири, — дея сўзида давом этди уюшма раиси. — Шундай экан, ҳар бир фуқаро ўз соғлиғи йўлида қайғурмоғи лозим. Бу борада дори сотиб олувчи беморлар ёки уларнинг яқинлари истеъмолчи сифатида ўз ҳақ-ҳуқуқларини билишлари ва уни ҳимоя қилишлари жоиз.

Биз истеъмолчилар дори воситасини сотиб олаётганларида ўзларини яроқсиз дорилардан ҳимоя қилишлари учун қуйидагиларга эътибор беришларини тавсия қилган бўлардик: бозорлардан, кўчалардан, норасмий ташкилотлардан ва шубҳали шахслардан ҳеч қачон дори воситаси сотиб олмаслик керак. Чунки, бундай дорининг самарадорлиги, безарарлиги ва уларни ташиш ҳамда сақлашда яратилиши керак бўлган шароитлар кафолатланмаган; дорихонадан дори сотиб олаётганингизда дорихонанинг фаолият турига, махсус рухсатномаси — лицензияси борлигига, сотувга қўйилган дори сифати ва тегишли сертификат билан кафолатланганлигига, сотиб олинган дорининг ёрлиқларига эътибор бермоқ даркор. Ўрнатилган тартибга биноан ёрлиқда дори воситаси номи ва дозасидан ташқари уни ишлаб чиқарган корхона номи, маҳсулот тайёрланган вақти, серияси ва яроқлилик муддати кўрсатилган бўлиши шарт. Бу маълумотларнинг биронтаси бўлмаслиги — билингки, дори воситасининг ҳақиқий эмаслигига ишорадир.

Бундай ҳолларда истеъмолчилардан тегишли ҳудудий назорат органлари ёки назорат-таҳлил лабораторияларига хабар беришлари сўралади.

Аҳолини ва даволаш муассасаларини юқори сифатли дори воситалари билан таъминлаш — республикамиздаги «Дори-дармон» давлат акциядорлик уюшмаси тизимига кирувчи 14 та назорат-таҳлил лабораторияларининг энг муҳим вазифаларидан бири. Лабораториялар ўз иш фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруқлари ва йўриқномалари асосида олиб боради.

2001 йилда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғига асосан 4806 дори-дармон таҳлилдан ўтказилди. Шартнома асосида мулкчилик туридан қатъи назар, дорихоналар ва улгуржи савдо билан шуғулланаётган фирмалардан келиб тушган дори-дармонлардан 36678 таси таҳлилдан ўтказилиб, 514 таси сифатсиз деб топилди...

✧✧✧

Мўмай даромад топиш илинжида арзон-гаровга яроқсиз дориларни хуфиёна йўллар билан олиб келаётганларга нима дейиш мумкин?

Шунча чоралар кўрилаётганлигига қарамай, нега «қаллоб дорифуруш»лар фаолиятига чек қўйилмаяпти? Эҳтимол, уларни инсофга бошқачароқ чақириш керакдир? Эҳтимол, назоратни, жазони кучайтириш керакдир? Эҳтимол...

Саҳифани Ўзбекистон Республикаси давлат Божхона қўмитаси матбуот хизмати, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш» бош бошқармаси, республика «Дори-дармон» давлат акциядорлик уюшмаси ҳамда «Ўзбекистон овози» газетасининг вилоятлардаги ўз мухбирлари ҳамкорлигида ўтказилган рейд материаллари асосида махсус мухбиримиз Соҳибжон САЛИМОВ тайёрлади

ТАҲРИРИЯТДАН:

Бугун кўтарилган бу мавзу энг оғриқли муаммоларимиздан бири, деб ўйлаймиз. Бу ҳолат билан умуман муроса қилиб, келишиб бўлмайди. Биз масаланинг айрим қирраларига эътиборимизни қаратдик, холос.

...Меҳрибон ота-онангиз ёки жондан азиз фарзандингиз оғир аҳволда дард билан курашаётган дақиқаларда шифокорга, у тавсия қилган дори-дармонга нажот билан тикиласиз. Ўша дори қалбаки ёки муддати ўтган бўлса-чи? Унинг оқибатини тасаввур қилиб кўринг... Шунинг учун ҳам бу ҳолатларга мутлақо тоқат қилиб бўлмайди, деб ҳисоблаймиз. Ва бу мавзу газетамизнинг доимий эътиборида бўлади.

Ҳурматли газетхон! Бемор одамлар бошига тушган кулфатдан фойдаланиб бойлик орттириш илинжида юрганлар хатти-ҳаракатини сиз қандай баҳолайсиз?

Бу ҳолатларнинг олдини олмоқ учун нима қилмоқ керак? Нопокларни қандай қилиб инсофга чақириш мумкин?

Биз ушбу дардли, оғриқли саволларга мутахассислар, тегишли идора ва ташкилотлар муносабатини, фикр-мулоҳазаларини, жавобларини кутамиз.

ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Пленум, йиғилиш ва мажлислар

Шу кунларда ХДП минтақавий ва маҳаллий кенгашларининг пленумлари бўлиб ўтмоқда. ХДП **Сирдарё вилоят кенгашининг** IV пленумида партия ташкилотларининг республика Президенти И.А.Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси VIII сессиясидаги маърузасидан ва Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши IV пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифалари ҳақидаги ҳамда бошқа қатор масалалар муҳокама этилди. Унда Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят кенгашининг биринчи котиби Д.Қулматов маруза қилди. Пленумда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши маъсул ходими С.Усмонов кун тартибидаги масалалар юзасидан сўзга чиқди.

Юқорида қайд этилган, шунингдек, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ХДП депутатлик гуруҳининг 2001 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ахборот, Ўзбекистон ХДП Экологик дастури ҳақида ҳамда вилоят партия ташкилотларининг Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан вазифалари тўғрисидаги масалалар ХДП **Навоий вилоят кенгаши** пленуми қатнашчиларининг диққат-эътиборида бўлди. Унда ХДП Навоий вилоят кенгашининг биринчи котиби Р.Ботиров маруза қилди. Пленум ишида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ХДПдан сайланган депутатлар иштирок этдилар. Пленум ишида вилоят ҳокимининг ўринбосари Д.Холиқулов қатнашди.

Шундай кун тартибидаги пленумлар ХДП **Бекобод ва Чирчиқ шаҳар кенгашларида** ҳам бўлиб ўтди. Пленум иштирокчилари мазкур кенгашларнинг биринчи котиблари — Б.Содиқов ва Д.Азизхўжаевларнинг маърузаларини муҳокама этиб, тегишли қарорлар қабул қилдилар. Йиғилишларда ХДП Тошкент вилоят кенгаши котиблари С.Аъзамов, Н.Тоиров, Олий Мажлис депутати Ҳ.Назаров, Бекобод шаҳар ҳокимининг ўринбосари А.Бобоназаровлар иштирок этдилар.

Ўзбекистон ХДП **Бўстонлиқ туман кенгашининг** пленумида партия ташкилотларининг ортда қолган йилдаги фаолиятига таҳлилий назар ташланди, фаоллар эътибори кўпроқ йўл қўйилган камчилик ҳамда қилинмаган ишларга, партиянинг кейинги ривожланиши масалаларига қаратилди. Пленумда Ўзбекистон ХДП МК котиби А.Рустамов ва Бўстонлиқ туман ҳокими Қ.Эшонқуловлар сўзга чиқдилар.

Ўртачирчиқ туман партия кенгаши пленумининг қатнашчилари ХДП маҳаллий ташкилотларининг ўтган йилдаги ишлари ва навбатдаги вазифалари юзасидан туман партия кенгашининг биринчи котиби Ф.Абдужабборов маърузасини муҳокама этдилар. Пленумда Ўзбекистон ХДП МК масъул ходими С. Қурбонов ва Ўртачирчиқ туман ҳокимининг ўринбосари — туман хотин-қизлар қўмитасининг раиси Т.Абдуҳакимова сўзга чиқдилар.

Шунингдек, партия ташкилотларининг демократик ислоҳотларнинг янги босқичдаги вазифалари муҳокамасига бағишланган пленумлар **Оҳангарон, Пискент ва Қуйичирчиқ туман партия кенгашларида** ҳам ўтди. Уларда, тегишлича, туман партия кенгашларининг биринчи котиблари Қ.Саидов, И.Эргашев ва С.Намозовлар маруза қилдилар. Пискент туман партия кенгашининг пленумида туман ҳокимининг ўринбосари М.Мусаев, Қуйичирчиқ туман партия кенгаши пленумида эса — Қуйичирчиқ туман ҳокимининг ўринбосари Р.Эгамбердиевлар сўзга чиқдилар.

Тошкент вилоят партия кенгашида Ўзбекистон ХДПнинг Тошкент вилоятидаги энг яхши шаҳар, туман, бошланғич (ҳудудий) ташкилоти номини олиш учун «Янгича ишлаш, фаоллик, ташаббускорлик — ютуқлар гарови!» шиори остида 2001 йилда ўтказилган кўрик-танлов якунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда совринли ўринларни олган Чирчиқ, Ангрен, Янгийўл шаҳар ва Бекобод, Бўстонлиқ ҳамда Чиноз туман партия кенгашларига вилоят партия кенгаши дипломлари ва эсдалик совғалари топширилди. Вилоятда энг яхши, деб тан олинган қатор бошланғич партия ташкилотлари тегишли гувоҳнома ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Йиғилишда Ўзбекистон ХДП МК котиби А. Рустамов иштирок этди.

ХДП Зомин туман кенгаши ижроия бюросининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида партия Марказий Кенгашининг IV пленуми қарорларини амалга ошириш масаласи муҳокама этилди. Йиғилишда туман кенгашининг амалий тадбирлар режаси тасдиқланиб, барча партия ташкилотларида очиқ партия йиғилишларини ўтказиш белгиланди.

ХДП Марҳамат туман кенгаши бошланғич партия ташкилотлари котиблари йиғилишини ўтказди. Унда ишлаб чиқилган тавсиялар асосида тумандаги барча партия тузилмаларида юқори партия кенгашларида ўтказилган пленумлар якунларига бағишланган очиқ партия йиғилишлари бўлиб ўтмоқда.

Андижон шаҳридаги Маиший хизмат касб-ҳунар лицейи ва 3-умумий овқатланиш трести ходимлари иштирокида ўтган очиқ партия йиғилишларида ХДП МК IV пленуми қарорларини ўрганиш ва тарғиб қилиш, шунингдек, партия сафларини мустаҳкамлаш, маънавият ва маърифат ишларини янада такомиллаштириш масалалари катта ўрин эгаллади. Йиғилишда ХДП Андижон шаҳар кенгашининг биринчи котиби А. Носиров ва «Маънавият ва маърифат» маркази шаҳар бўлими раиси А. Абдуғаниевлар сўзга чиқдилар.

Баликчи туманидаги силга қарши кураш диспансери ва **Қоракўл тумани** С. Одилов номли ширкат хўжалиги бошланғич партия ташкилотларида партия йиғилишлари ўтказилди. Йиғилишларда мазкур тумани партия кенгашларининг биринчи котиблари Р. Норбобоев ва Ф. Бебутовлар сўзга чиқиб, демократик ислоҳотларнинг янги босқичида партия ташкилотлари олдида турган вазифалар, мафкуравий ва ташкилий ишлар, партиявий интизом масалалари хусусида гапирдилар.

XORIJDA

ЕИ ҲАЙЪАТИНИ ТАКЛИФ ЭТДИ

Исроил ташқи ишлар вазири Шимон Перес сешанба куни Европа Иттифоқи ваколатхонаси ҳайъатини Рамаллоҳга, аниқроғи, Ёсир Арафот резиденциясига ташриф буюришини ва Фаластин раҳбари билан ҳайъат аъзолари ҳам расмий учрашишларини таклиф этди. Бу таклиф Валенсияда ўтаётган ЕИга кирувчи давлатлар ташқи ишлар вазирларининг саммитида Перес томонидан ўртага ташланди, дея хабар берилади ЕИ тарқатган манбаларда. Переснинг таъкидлашича, Хавьер Солана ва Хосе Пикенинг Ёсир Арафот билан охирги учрашувларининг барбод бўлиши «тушунмовчиликлар»ни келтириб чиқарган.

АФРИКА ФУҚАРОСИНИНГ КОИНОТГА САЁҲАТИ

Бугун Байконур космодромидан Жанубий Африка Республикаси фуқароси Марк Шарттлуорт фазога учади. У 2001 йил 21 майда коинот кенгликларига саёҳат қилган Америка фуқароси Деннис Титодан кейинги иккинчи фазогир-сайёҳ бўлиб қолади.

Шарттлуорт 10 кун мобайнида халқаро космик станцияда СПИД давоси ва профилактикаси бўйича тадқиқот ўтказади.

Сешанба куни «Союз» ракетаси Байконурга олиб келинди ва учишга тайёргарлик ишлари қизитиб юборилди.

Шарттлуортни фазога Россия ва Италия космонавтлари Юрий Гидзенко ва Роберто Витторилар олиб чиқишади. Европа космик агентлиги томонидан тавсия этилган Роберто Виттори халқаро космик станцияда фазога учган учинчи европалик космонавт ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, интернет-магнат Шарттлуорт коинотга учиш учун 20 миллион доллар тўлади. Охирги 9 ой давомида у фақат учиш машғулотлари билан шуғулланди. Хьюстондаги астронавтлар тайёрлаш марказида ҳам бир ҳафта машғулот ўтади.

Шарттлуорт ўзини космик сайёҳ сифатида эмас, балки космонавт-тадқиқотчи сифатида намоён этмоқда. Негаки, у вазнсизлик ҳолатида тана хужайраларидаги ўзгаришлар борасида тажрибалар ўтказмоқчи. 28 ёшли бу интернет-магнат мазкур йўналиш бўйича ЖАРнинг етук олими Дэниэл Бэрридан етарлича илмий кўрсатмалар олган.

ФРАНЦИЯ КЕЛИН-КУЁВЛАРИ

■ Алишер РЎЗИЕВ олган сурат

АВТОБУСНИ ЭЗИБ КЕТДИ

Уфа шаҳрига олиб борувчи Мишкино-Бирск шоҳ кўчасида юз берган фалокат сабаб автобусда кетаётган одамларнинг барчаси ҳалок бўлди.

Гап шундаки, «КамАЗ» машинасида асфальтни текислаб босадиган каток олиб кетилаётган эди. Бахтга қарши «КамАЗ» автобусни қувиб ўтмоқчи бўлди. Шу пайт машинадан каток тушиб кетди ва автобусни босиб қолди. Бир аёл чалажон ҳолда шифохонага олиб борилган бўлса-да, лекин шифокорлар уни асраб қолишолмади.

БОШ ВАЗИР СЎРОҚ ҚИЛИНДИ

Исроил ҳукумати тарқатган манбаларга кўра, душанба куни кечқурун Исроил Бош вазири Ариэл Шарон мамлакат полициясининг томонидан сўроқ қилинган. Хабарда айтилишича, сўроқ 1999 йилги сайлов кампаниясида «Ликуд» партиясининг молиявий интизомни бузганлиги (фактлар ҳозирча ўз тасдиғини топмаган) масаласига тааллуқлидир. Тергов 7 соатга чўзилган. Аммо терговда нималар сўралгани ҳали номаълум. Мазкур иш бўйича суриштирув Исроил Бош прокурори топшириғига биноан ўтган йил октябридан эътиборан олиб борилмоқда.

АЁЛЛАР УЧУН ВАГОН

Украинанинг Жанубий темир йўл маъмурияти Харьков-Киев йўналиши бўйича ҳаракатланувчи поездда аёллар учун махсус вагон ташкил этди. Эндиликда хоҳлаган аёл шу вагонга чипта сотиб олиб, эркаклар кўзидан холи ўз манзилига етиб олиши мумкин. Ҳар хил кўнгилсизликларнинг олдини олиш мақсадида темир йўл маъмурияти шундай тадбирни жорий этди. Ва бундан ташқари йўловчилар ўртасида ўтказилган анкета сўровлари натижалари ҳам бундай қарорга келишга туртки берган.

Аёллар вагони ташқи кўринишдан бошқа вагонлардан фарқ қилмайди. Шунингдек, чипта баҳоси ҳам одатдагидек. Жанубий темир йўл маъмурияти эндиликда бошқа поездларда ҳам худди шундай вагонларни ташкил этмоқчи.

ТОҒДА КЎЧКИ

Тожикистондаги тоғ кўчкиси беш ўсмирнинг умрига зомин бўлди. Тожикистон Республикаси Ички ишлар вазирлигидан хабар беришларича, фалокат душанба куни Сўғд вилоятига қарашли Панжикент туманидаги Шангак қишлоғининг бешинчи километридаги тоғда юз берган.

Об-ҳавонинг серёғин келиши оқибатида тоғ жинсларининг кўчиши пайтида 46-мактабнинг 12-14 ёшли ўқувчилари мактабдан кетишаётган эди.

УЙ ҚУЛАБ ТУШДИ

Ростов-Донда 3 қаватли уйнинг бир қисми қулаб тушди. Шу фалокат сабаб олтита хонадонга анчагина шикаст етди.

Ҳодиса кундуз соат 14.20 да юз бергани учун ҳеч кимга зиён-заҳмат етмади. Негаки, бахтли тасодиф сабаб, уйларда ҳеч ким йўқ эди. Шу уйда яшовчиларнинг гапларига қараганда, уй ёнида яна қўшимча равишда бино қурилаётган экан.

Уйнинг қулаш сабаблари аниқланмоқда.

ҲАМКОРЛИК

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ва Хитой Халқ Республикасининг «Синьцзян» авиакомпанияси ўртасида ўзаро англашув битими имзоланди. У ўзбек ва хитой учувчилари ўртасида қатор йўналишлар бўйича ҳамкорликни кўзда тутади. Ёз ойи ўрталаридан бошлаб «Синьцзян» авиакомпанияси Урумчи — Тошкент — Урумчи йўналиши бўйича транзит қатновини йўлга қўяди. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» эса хитойлик йўловчиларни Ғарбий Европа ва Шимолий Америка мамлакатларига етказиб қўяди. Шунингдек, авиакомпаниялар ҳаво кемаларини таъмирлаш ва учувчиларни қайта тайёрлаш борасида ҳам ҳамкорлик қилишга келишиб олдилар.

■ Алишер РЎЗИЕВ

Жиззах туманидаги «Ҳамроҳ» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси банкрот деб эътироф этилганлиги сабабли ушбу фирма билан иқтисодий ва молиявий муносабатда бўлган барча корхона ҳамда ташкилотларнинг вакиллари 2002 йил 26 апрель куни Жиззах вилоят хўжалик суди биносида ўтказиладиган кредиторлар йиғилишига таклиф этилади.

Манзилгоҳ: Жиззах шаҳри, «Тошкент» кўчаси, 1-уй. Тел.: 44-018. Факс: 60-923.

4-СОНЛИ ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ АВТОКОРХОНА

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ акциядорлари диққатига!

2002 йил 11 май соат 10.00 да Жиззах шаҳридаги «4-сон ХҲАК» ОАЖ мажлислар залида 2001 йил молия-хўжалик натижалари бўйича умумий йиғилиши ўтказилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. 2001 йил молия-хўжалик ҳисоботини тасдиқлаш.
2. Тафтиш комиссияси ва аудитор хулосасини тасдиқлаш.
3. Кузатув кенгашини қайта сайлаш.
4. 2002 йил бизнес-режасини ва харажатлар сметасини тасдиқлаш.
5. Дивиденд тақсимотини тасдиқлаш ва уларни тўлаш тартиби.

ОЙДИНЛИК

«BOLAJON»НИНГ БЕҒУБОР ТОНГИ

Сайдулла аканинг асли касби қурувчи, олий маълумотли. Тадбиркорлик қилиш хаёлига ҳам келмаганди. Бир йили денг набираси бетоб бўлиб, сутдан қолди. Врачлар «Малыш» деган болалар овқати топиб келсангиз, гўдак меъёрида ўсади, дейишди. У ёққа чопди, бу ёққа чопди. Қанийди, у савилни топиб бўлса.

1993 йил. Ҳали ҳеч кимнинг «Малыш»дан бизнес қилиш хаёлига келмаган пайтлар. Сайдулла ака тадбиркорлик қилишга, «Малыш»га ўхшаган болалар овқати тайёрлашга аҳд қилди. Изланишлари оғир кечди. Россияда, Белоруссияда, Болтиқбўйи мамлакатларида бўлди.

— Менга алам қилган жойи, — дейди Сайдулла ака ҳаяжон билан. — Россияда битта шунақа корхона раҳбари бетимга «Ўзбекистонда юз йилда ҳам унақа маҳсулот ишлаб чиқаролмайсан» — дегани бўлди. Жуда хафа бўлдим. «Қараб турасиз, айнан Ўзбекистонда, аниқроғи, Наманганда ишлаб чиқараман, йўқса отимни бошқа қўяман», дедим алам билан.

У айтганини қилди. Беш йил елиб-югуриб кўп технологияни ўрганди. Дастлаб, уй шароитида, ўз қўли билан болалар овқати тайёрлаб кўрди. Кейин уни янги оилада туғилган Саиданинг фарзанди — набираси Азизада «синаб» кўрди. Қарасаки, Азиза дуркун ўсаяпти.

Шундан сўнг Сайдулла Абдураҳмонов Чортоқда фойдаланилмай ётган бинолардан бирини ижарага олиб, ўтган йил бошида «Малыш»нинг турдоши «Bolajon» ишлаб чиқаришга киришди. Қўли калталик қилиб банклардан кредит ҳам сўради. Натижа чиқмади. Амалдорлар унинг каша ишлаб чиқаришини кўз олдиларига келтиролмадилар...

— Бор-будимни сарф қилдим. Ошна-оғайнилар кўмак беришди. Худога шукр, «BOLAJON» гўдакларимизнинг оғзига тегди, — дейди у мамнунлик билан.

Ҳа, оқсил, витамин ва гўдак организмига зарур компонентлар билан тўйинтирилган, гуруч унидан тайёрланган «BOLAJON» бугунги кунда Ўзбекистонга тарқалмоқда. Маҳсулот мамлакат Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутахассисларининг эътирофига сазовор бўлди. Нархи 1350 сўм турадиган «Bolajon»ни фирма жамоаси ҳозир ойига 3000 донагача ишлаб чиқармоқда. Шу тарика 64 киши фирмада ишлаб, рўзғор тебратмоқда. Фирманинг ҳисоб рақамига пул тушяпти. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш режалари туғилаётир. Келажакда фирмада тўрт хил шампун, «Чортоқ оқшоми», «Наманган оқшоми», «Ўзбекистон ҳаво йўллари» номлари билан қанд ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилади.

Ана шунақа, ўзбекнинг ўзига хос феъли бор. Ориятли халқ. Қиламан дедими, қилади, эзгу ишни охирига етказмай қўймайди!

■ **Маҳмуджон ПАРПИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

«СПОРТ МОЛЛАРИ» очиқ акциядорлик жамияти

акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилашини маълум қилади. Йиғилиш 2002 йил 24 май соат 14.00 да бўлади.

КУН ТАРТИБИ:

1. «Спорт моллари» очиқ акциядорлик жамияти бошқарувининг 2001 йилда олиб борган фаолияти натижалари тўғрисидаги ҳисоботи ва 2002 йил тараққиёти истиқболлари.
2. 2001 йил учун йиллик бухгалтерия балансини тасдиқлаш.
3. Тафтиш ҳайъатининг хулосасини тасдиқлаш.
4. Жамиятнинг 2001 йилги фаолияти натижалари бўйича аудиторлик текширувининг хулосасини тасдиқлаш.
5. 2001 йил иш натижалари бўйича соф фойдани тақсимлаш ва дивидендларни тўлаш тўғрисида.
6. «Спорт моллари» очиқ акциядорлик жамиятининг 2002 йил учун сарф-харажатлари ва даромадларини тасдиқлаш.
7. 2002 йил учун аудиторини тасдиқлаш.

Умумий йиғилиш қуйидаги манзилда ўтказилади. Тошкент шаҳри, Шохсанам кўчаси, 85-уй. «Спорт моллари» ОАЖ идорасининг биноси. Йиғилиш қатнашчилари шу жойнинг ўзида рўйхатга олинадилар.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

ШОШИЛИНГ!!!

«ЎзДЭУавто» компанияси

ОМАД ВА ҚУВОНЧ КЕЛТИРУВЧИ ЮТУҚ — битта автомобиль пулига

ИККИТА АВТОМОБИЛНИНГ

бахтли соҳиби бўлишга имкон яратади!

ЎЙИН ШАРТЛАРИ:

- **ўйинда 2002 йил 7 мартдан бошлаб сотилган дастлабки 2500 автомобиль иштирок этади;**
- **автомобиллар компаниянинг расмий дилерлик корхоналари автосалонларида сотиб олинган бўлиши шарт;**
- **ютуқ соҳиблари сотилган автомобилларнинг кузов рақамлари бўйича ўтказилган лотерея ўйини натижасига кўра аниқланадилар;**
- **ютуқ соҳибига ўзи сотиб олган автомобиль русумидаги автомобиль совға қилинади.**

ШОШИЛИНГ!

7 мартдан бошлаб ўйинда иштирок этадиган 2500 автомобиль сотилмоқда!

Имкониятингизни бой берманг!

Компаниянинг дилерлик корхоналари сизларни кутмоқда!

Ўйин Ўзбекистон телевидениесининг биринчи канали орқали намойиш этилади.

Матбуотдан хабардор бўлиб туринг: автомобиль сотиб олган ҳар бир шахс ютуқ эгаси бўлувчи номзодлар рўйхатига киритилади.

Телевидениеда ўйин ўтказилишидан аввал иштирокчиларнинг исми ва фамилиялари «Халқ сўзи», «Народное слово», «Правда Востока», «Ўзбекистон овози», «Қишлоқ ҳаёти» газеталарида чоп этилади!

Барча саволлар бўйича компаниянинг расмий дилерларига мурожаат қилинг.

МАЪЛУМОТ УЧУН КОМПАНИЯНИНГ ТОШКЕНТДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИ ТЕЛЕФОНЛАРИ: 67-97-74, 67-33-65

БАҲОР, НАВРЎЗ СЕВИНЧИ

■ Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат

Гул қўлида, гул тутади Гулноралар,
Гулёноғу Гулбаданлар дил поралар,
Гулчеҳрадир, Гулойимдир кўз қоралар,
Исмин билмай оҳ чекаман минг нолалар.

Атлас кўйлак, дўппи бунча яраша,
Қора сочга ошиқ юрак талашади.
Соқчи киприк кўзларимни тўсиб турар
Икки кўзим шу қизларга қарашади.

НИҲОЛЛАР АЗИМ ЧИНОРЛАРГА АЙЛАНАЖАК

(Давоми. Боши 1-бетда)

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ёш авлодни жисмоний тарбиялаш, оммавий тарзда спортга жалб этиш масаласига алоҳида ўрин ажратилган. Мустақиллигимиз шарофати билан давлатимиз байроғи кўплаб нуфузли халқаро мусобақаларда, жумладан, Олимпия ўйинларида баланд ҳилпирамоқда. Спортчиларимиз Ватанимиз шуҳратини янада юксалтиришга катта ҳисса қўшмоқда.

Буларнинг барчаси давлатимиз раҳбарининг нафақат Олимпиадалар учун спортчилар тайёрлаш, балки мамлакатимизнинг энг олис бурчакларида ҳам оммавий спортни ривожлантириш, ёшларимиз ҳаётига соғлом турмуш тарзини сингдириш, шу орқали Ватанимиз шуҳратини янада оширувчи етук спортчиларни камол топтиришга йўналтирилган изчил сиёсатининг самарасидир.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ мамлакатимиз таълим тизимида мунтазам ўтказиладиган уч босқичдан иборат оммавий спорт мусобақалари ҳаётга кенг татбиқ этилмоқда. 2000 йилда Наманганда олий ўқув юртлари талабаларининг биринчи Универсиадаси зўр муваффақият билан ўтган бўлса, 2001 йили ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизими ўқувчилари Жиззах шаҳрида «Баркамол авлод» спорт ўйинларига йиғилган эди. Энди навбат умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларининг спорт ўйинларига келди.

Таъкидламоқ керакки, илк бор ўтказилаётган «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг саралаш мусобақаларида мамлакатимиз бўйича 5 миллион 300 мингдан кўпрок ўқувчи иштирок этди. Бу миллионлаб ёшларни спортга жалб этиш ғояси нақадар тўғри эканидан далолатдир. Мазкур мусобақаларга тайёргарлик кўриш жараёнида 347 спорт зали ҳамда 566 спорт майдони қайта таъмирланди, янгилари қурилди. Мутахассислар фикрича, ўсмир ёшларни жисмоний тарбия ва спортга оммавий жалб этишнинг бундай уч босқичли узлуксиз тизими, яъни «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» каби турлари жаҳон тажрибасида қўзатилмаган.

...«Фарғона» марказий стадионига 20 минг томошабин сиғади. 24 апрель куни бу ерда «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Мазкур маросими олдидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан мусобақаларда иштирок этиш учун келган ёш спортчилар, ҳакамлар ва спорт фахрийлари буюк бобокалонимиз Аҳмад ал-Фарғоний ҳайкалини зиёрат қилиб, унинг пойига гулдасталар қўйдилар.

Қайд этиш жоизки, мазкур якунловчи мусобақалар бошлангунга қадар нафақат «Фарғона» стадиони, балки вилоятдаги бошқа ўнлаб спорт майдонлари таъмирланди. «Дельфин» сув ҳавзаси, «Истиқлол» теннис мажмуи, шунингдек, Марғилон шаҳри, Тошлоқ, Қиргули ва Фарғона туманларидаги спорт мажмуаларида ёшлар учун зарур барча шарт-шароитлар яратилди. Бу ерда спортнинг ўн бир тури — футбол, волейбол, баскетбол, теннис, стол тенниси, сузиш, миллий кураш, белбоғли кураш, шахмат, қўлтўпи ва енгил атлетика бўйича мусобақалар ўтказилади.

...Гўзал Фарғона шаҳрига оқшом тушган бўлса-да, кўчалар ва хиёбонлар ёп-ёруғ. Заррин нур таратаётган ранг-баранг чироқлар, майин ҳилпираётган байроқлар кишига байрамона кайфият улашади. Марказий стадион узра «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари бошланишидан дарак берувчи оҳанглар янграйди. Стадионга мусобақа иштирокчилари кириб келади.

Анжуманни Фарғона вилояти ҳокими А.Отабоев очди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари иштирокчиларига йўллаган табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев ўқиб эшиттирди.

Стадион узра Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди. Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи ҳамда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» биринчи республика мусобақалари байроғи кўтарилади. Мусобақа иштирокчилари тантанали қасамёд қабул қиладилар.

«Умид ниҳоллари» мусобақалари машъаласи ёқилади. Бу машъала Тошкент вилоятида жойлашган «Физика-Қуёш» илмий ишлаб чиқариш маркази Материалшунослик институтининг катта қуёш печидан ўт олган. Уни спорт соҳасида улкан ютуқларга эришган йигит-қизлар шаҳар ва қишлоқлар узра қўлма-қўл олиб келдилар.

«Умид ниҳоллари» мусобақалари иштирокчиларининг кўргазмали чиқишлари бошланади. Сўнгра майдонга таниқли рақс жамоалари, ўзбек эстрадаси юлдузлари чиқади. Улар театрлаштирилган томошаларни бошлаб беради.

Шундай қилиб, мамлакатимизда биринчи «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари бошланди. Мазкур мусобақаларнинг «Умид ниҳоллари» деб аталишида чуқур маъно бор. Зеро, бугунги ниҳоллар эртага азим чинорларга айланажак.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Кароматов иштирок этди.

■ **Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, Расул КАМОЛОВ, ЎзА махсус мухбирлари**

ЗАМОНАВИЙ ДАРСЛИКЛАР

Академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежларини замонавий дарсликлар ва ўқув қўлланмалари билан таъминлаш бугуннинг долзарб масалаларидандир. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳузуридаги Шайхонтоҳур академик лицейида бўлиб ўтган семинар ана шу масалага бағишланди. Республика Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини марказлаштириш эвазига, замонавий дарсликлар яратиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Табиий, гуманитар, тил, иқтисодиёт, математика ва информатика йўналишлари бўйича маърузалар тингланди.

— Иккинчи бор ўтказган семинаримизнинг асосий мақсади, — деди Халқаро маслаҳатчилар гуруҳи раҳбари Дэвид Ройл, — ўқув материалларини яратиш, баҳолаш, электрон усулда тарқатиш, безаш, энг асосийси, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари талабалари учун янги қўлланмалар яратишни қўллаб-қувватлаш ва кўмак беришдан иборат.

■ **Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА, ЎзА мухбири**

Илҳом НЕЪМАТОВ

БУ КЕЧА ҲАМ ТУШИМГА КИРДИНГ

(Достондан парча)

Ҳаётда инсон учун энг оғир дард — фарзанд доғини кўриш. Тасаввур осмонимнинг порлоқ ва чақноқ юлдузи, фарзандим, суюкли қизимни эсласам, ота учун бу нақадар оғир эканлигини айтишга сўз тополмайман. Азиз дилбандим Ферузахон ҳақида қалбим қаъридан чиққан ушбу мисраларни меҳрибон рафиқам Гуласалга бағишлайман.

Нега туриб қолдинг жим,
Нималарни ўйламоқдасан?
Ёдингга тушдими ой юзли қизинг,
Аслида, азизим бу қисмат
Ақлли ва доно дилбандим,
Очилмасдан сўлган гулбандим
У менинг наздимда
тонгги фаришта —
Дунёни қалбига кўчирди.
Бардош берди изтиробларга.
Тиз чўкмади оғриқ олдида,
Тик қаради она офтобга.
Ҳаттоки,
Ватандан йироқда — олис заминда
дард билан олишаётиб,
Бизларга бериб далда,
«Йиғламанглар, мен тузаламан,
Мен сира йиғламадим-ку,
дадажон, дада!..»
Бир сўзли қизим Феруза
Шу қисқа лаҳзалик ҳаётда

Не шавқдан, не бахтдан бўлдинг
бахраманд?
Олмонлар заминига этганда сафар
Дўстлар орттиргандинг
юзлаб нафар.
Қадимий ҳинд заминида,
Темурийлар яратган
тарихий обидаларни, боғу роғларни
Тожмаҳалдек азиз масканни
Зиёрат этганингда?
Иродаси метин қизим,
Подшоҳлар, маликалар
юрган йўллардан ўтганингда,
Дилинг яйраганда,
кулгуларинг мангуликка
айланишин билмаганмидинг?
Эркатойим, кўзимнинг нури,
Юрагимнинг парчаси эдинг...
Қалбимнинг ҳеч сўнмас оташи,
Сен мен учун мангу барҳаёт,
Бу кеча ҳам тушимга кирдинг...

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши Мирзо Улуғбек туман партия кенгашининг биринчи котиби Р. Ж. Сатторовага онаси

Рашида САТТОРОВАнинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат юридик институти жамоаси институтнинг хўжалик ва меҳнат ҳуқуқи кафедраси мудири, юридик фанлари доктори, профессор

Бобокул ИБРАТОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон — Миср дўстлик жамияти жамоаси Миср Араб Республикаси миллий кутубхонаси қўлёзмалар бўлимининг собиқ бошлиғи, Айнуш Шамс университети профессори ва Тошкент давлат шарқшунослик институти фахрий доктори, мисрлик ватандошимиз

Насруллоҳ Мубошир АТ-ТАРОЗИЙнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки томонидан жорий этилган «Наврўз совғаси» қисқа муддатли, ютуқли омонати бўйича 2002 йил 18 апрель куни Тошкент шаҳар Чилонзор туманида ўтказилган ютуқлар тиражининг

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Т/Р	Ютуқ миқдори сўмда	Ютуқли ҳисоб варақ
1	500 000	Халқ банки Андижон вилояти, Избоскан туман 3577/010-сонли бўлими НС-5 рақамли ҳисоб варағи.
2	200 000	Халқ банки Самарқанд вилояти, Каттақўрғон шаҳар, 1482/058-сонли бўлими НС-1 рақамли ҳисоб варағи.
3	200 000	Халқ банки Жиззах вилояти, Зарбдор тумани 8509/07-сонли бўлими НС-2 рақамли ҳисоб варағи.
4	100 000	Халқ банки Қашқадарё вилояти, Муборак тумани 8293/04-сонли бўлими НС-1 рақамли ҳисоб варағи.
5	100 000	Халқ банки Сурхондарё вилояти, Олтинсой тумани 8370-сонли бўлими НС-25 рақамли ҳисоб варағи.
6	100 000	Халқ банки Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани 3616/06-сонли бўлими НС-9 рақамли ҳисоб варағи.
7	50 000	Халқ банки Қашқадарё вилояти, Яккабоғ тумани 3604/026-сонли бўлими НС-2 рақамли ҳисоб варағи.
8	50 000	Халқ банки Андижон вилояти, Балиқчи тумани 3579/034-сонли бўлими НС-1 рақамли ҳисоб варағи.
9	50 000	Халқ банки Сурхондарё вилояти, Шўрчи тумани 3637/029-сонли бўлими НС-3 рақамли ҳисоб варағи.
10	50 000	Халқ банки Самарқанд шаҳар, Темирйўл тумани 8175/098-сонли бўлими НС-3 рақамли ҳисоб варағи.
11	25 000	Халқ банки Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон тумани 3617/050-сонли бўлими НС-11 рақамли ҳисоб варағи.
12	25 000	Халқ банки Жиззах вилояти, Зафаробод тумани 8519/05-сонли бўлими НС-8 рақамли ҳисоб варағи.
13	25 000	Халқ банки Сурхондарё вилояти, Бандихон тумани 8666/01-сонли бўлими НС-33 рақамли ҳисоб варағи.
14	25 000	Халқ банки Фарғона вилояти, Данғара тумани 5995-сонли бўлими НС-19 рақамли ҳисоб варағи.
15	25 000	Халқ банки Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани 3650/0139-сонли бўлими НС-43 рақамли ҳисоб варағи.
16	25 000	Халқ банки Андижон вилояти, Марҳамат тумани 3574/027-сонли бўлими НС-8 рақамли ҳисоб варағи.
17	25 000	Халқ банки Тошкент вилояти, Тошкент тумани 8163/011-сонли бўлими НС-4 рақамли ҳисоб варағи.
18	25 000	Халқ банки Сирдарё вилояти, Янгиер шаҳар, 7783/01-сонли бўлими НС-12 рақамли ҳисоб варағи.
19	25 000	Халқ банки Сирдарё вилояти, Янгиер шаҳар, 7783-сонли бўлими НС-149 рақамли ҳисоб варағи.
20	25 000	Халқ банки Тошкент шаҳар, Бектемир тумани 8674/0462-сонли бўлими НС-1 рақамли ҳисоб варағи.
21	25 000	Халқ банки Тошкент вилояти, Тошкент тумани 8163-сонли бўлими НС-9 рақамли ҳисоб варағи.
22	25 000	Халқ банки Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани 7886/021-сонли бўлими НС-2 рақамли ҳисоб варағи.
23	25 000	Халқ банки Самарқанд вилояти, Пахтачи тумани 3640/025-сонли бўлими НС-3 рақамли ҳисоб варағи.
24	25 000	Халқ банки Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани 3627-сонли бўлими НС-66 рақамли ҳисоб варағи.
25	25 000	Халқ банки Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани 3578-сонли бўлими НС-1 рақамли ҳисоб варағи.
26	25 000	Халқ банки Фарғона вилояти, Боғдод тумани 35 96/021-сонли бўлими НС-8 рақамли ҳисоб варағи.
27	25 000	Халқ банки Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани 7963/0356-сонли бўлими НС-1 рақамли ҳисоб варағи.
28	25 000	Халқ банки Хоразм вилояти, Янгиариқ тумани 3639/06-сонли бўлими НС-2 рақамли ҳисоб варағи.
29	25 000	Халқ банки Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани 3650/0136-сонли бўлими НС-26 рақамли ҳисоб варағи.
30	25 000	Халқ банки Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани 3650-сонли бўлими НС-71 рақамли ҳисоб варағи.
31	5 000	Халқ банки Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани 3578/046-сонли бўлими НС-1 рақамли ҳисоб варағи.
32	5 000	Халқ банки Тошкент вилояти, Бекобод шаҳар, 7446/01-сонли бўлими НС-4 рақамли ҳисоб варағи.
33	5 000	Халқ банки Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳар, 4891/030-сонли бўлими НС-4 рақамли ҳисоб варағи.
34	5 000	Халқ банки Сурхондарё вилояти, Денов тумани 3615-сонли бўлими НС-21 рақамли ҳисоб варағи.
35	5 000	Халқ банки Самарқанд вилояти, Челак бўлими 8537/04-сонли бўлими НС-5 рақамли ҳисоб варағи.
36	5 000	Халқ банки Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани 3650-сонли бўлими НС-165 рақамли ҳисоб варағи.
37	5 000	Халқ банки Самарқанд вилояти, Гўзалкент бўлими 8661/05-сонли бўлими НС-5 рақамли ҳисоб варағи.
38	5 000	Халқ банки Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани 3628-сонли бўлими НС-28 рақамли ҳисоб варағи.
39	5 000	Халқ банки Қашқадарё вилояти, Косон тумани 3600/04-сонли бўлими НС-1 рақамли ҳисоб варағи.
40	5 000	Халқ банки Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани 2174/019-сонли бўлими НС-1 рақамли ҳисоб варағи.
41	5 000	Халқ банки Андижон вилояти, Хўжаобод тумани 3621-сонли бўлими НС-1 рақамли ҳисоб варағи.
42	5 000	Халқ банки Наманган вилояти, Наманган шаҳар, 3571-сонли бўлими НС-160 рақамли ҳисоб варағи.
43	5 000	Халқ банки Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳар, 1340-сонли бўлими НС-7 рақамли ҳисоб варағи.
44	5 000	Халқ банки Жиззах вилояти, Пахтакор тумани 7950/03-сонли бўлими НС-16 рақамли ҳисоб варағи.
45	5 000	Халқ банки Сурхондарё вилояти, Бандихон тумани 8666/01-сонли бўлими НС-89 рақамли ҳисоб варағи.
46	5 000	Халқ банки бошқарувининг «Банк операциялари бошқармаси» НС-188 рақамли ҳисоб варағи.
47	5 000	Халқ банки Наманган вилояти, Наманган шаҳар, 3571-сонли бўлими НС-304 рақамли ҳисоб варағи.
48	5 000	Халқ банки Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани 3649/0391-сонли бўлими НС-7 рақамли ҳисоб варағи.
49	5 000	Халқ банки Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани 3627/0609-сонли бўлими НС-5 рақамли ҳисоб варағи.
50	5 000	Халқ банки Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани 6957/097-сонли бўлими НС-2 рақамли ҳисоб варағи.

Ҳайъат раиси — С.С. БУЗРУКХЎЖАЕВ,
Чилонзор тумани ҳокими ўринбосари.
Масъул котиб — М.Ж. САИДОВ,
Халқ банки Марказий идораси жамғарма ишларини ривожлантириш бошқармаси бўлими бошлиғи.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Baxtiyor HAMIDOV
Rahima HAKIMOVA
Tolepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56,
Axborot — 136-55-16
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80
Faks — 133-73-43, 133-06-83

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 136-57-20
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi Farruh HAMROYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini kochirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 3102

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.40

1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA